

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ

“КОНСТИТУЦИЯ САБОҚЛАРИ”

**(Дастур ва услубий қўлланмасига
методик тавсиялар)**

Тошкент -2014й

Ушбу методик тавсияда мактабгача таълим муассасаларида ўрганиладиган Конституция моддалари асосида таълим фаолиятлари мазмуни ва ўтиладиган мавзулар юзасидан тавсиялар берилган.

Муаллиф: М.Н.Аъзамова

Такризчилар:

1. п.ф.н. доцент М.Ш. Расулева
2. М.Э.Рустамова-МТМХҚТМОРЎММ илмий ишлар бўйича директор ўринбосари
3. М.Файзуллаева- МТМХҚТМОРЎММ методисти

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йил 4 январ Ф-1322 рақамли "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишни қабул қилди. Бу фармойишда ҳаётимизнинг асосий қонуни Республикамиз Конституциясини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш, Конституциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида махсус комиссия тузилган.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта таълим вазирлиги ва бошқа таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идораларга 2001 йил 1 августга қадар Республикамиз Конституциясини ўрганиш бўйича мактабгача таълим тизимидаги тарбиячи ва методистлар, мактаб, ўрта махсус, касб-хунар таълим ва олий таълим тизимида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш; 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб барча таълим тизимида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини ўқитишни амалга ошириш ва курс мазмунини ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказилиши юклатилган.

Ўқиш махсус дастурлар асосида олиб борилади. Мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш бўйича "Конституция сабоқлари" махсус курси ўргатилади.

Ҳар бир бола ўзининг инсон — энг улуғ зот эканлигини, бошқа тирик мавжудотлардан нима билан ажралиб туришини гўдаклигидан қалби билан ҳис қилиши керак.

Мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш **"Конституция сабоқлари" дастури асосида уч босқичда олиб борилади:**

1.Ўрта ёш (4-5ёш)

2.Катта ёш (5-6 ёш)

3.Мактабга тайёрлов даври (6-7 ёш)

"Конституция сабоқлари" дастурининг мақсади болаларда, умумий ахлоқ меъёрлари талабларига жавоб берадиган, уларнинг шахс сифатида камол топишига асос бўла оладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Дастурнинг вазифалари:

болаларда ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳолатларга нисбатан сезгирликни таркиб топтириш;

умумий ахлоқ қўникмаларини ривожлантириш, катталар, тенгдошлари фикри билан ҳисоблашиш, зарур бўлганда ўзининг қарашларини ҳимоя қилишга ўргатиш;

Давлат, унинг рамзлари, Конституция ва қонунлар тўғрисидаги илк тасаввурларини таркиб топтириш;

Мактабгача ёшидаги болаларга илк ҳуқуқий таълим-тарбия беришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Ҳуқуқий қоидаларни баён қилиб беришда ўйин усулларида фойдаланиш тавсия қилинади. Болаларга илк ҳуқуқий тушунчаларни бериш орқали уларни (ёшига мос) қонун-қоидаларга риоя қилишларига эришилади. Ҳуқуқий таълим интеграциялашган машғулоти тарзида: атроф-муҳит, табиат билан таништириш, бадиий адабиёт, одобнома машғулотларини мужассамлаштирган ҳолда олиб борилади.

Қуйида мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари" дастурининг такомиллаштирилган мавзулари ва машғулоти ишланма намуналари тақдим этилади.

Мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари" дастури бўйича мавзуларни режалаштириш

№	Конституция моддалари	Таълим фаолияти ва уларнинг мазмун	Суҳбат мавзулари	Таълим соҳаларининг интеграциялашуви
1.	1-модда. Ўзбекистон-суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади	-Туғилиб ўсган жойини билиши; -Она-Ватанга нисбатан муҳаббат уйғотиш; -оила аъзолари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, қон-қариндошга бўлган ҳурмат ҳисси; -халқи, урф-одатлари, тарихий жойларни билиш; -Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроқ, герб, мадҳия мазмун-моҳиятини англаш ва ҳурмат билан қараш зарурлиги; -ўзбек халқи ва давлат тилни билиш; -миллий байрамлар: Мустақиллик куни, Хотира ва қадрлаш куни, Наврўз, хайт байрамлари ҳақида тушунча; -маънавий меросни асраш зарурлиги.	1.Ўзбекистон—менинг Ватаним» мавзусида суҳбат 2.«Она шаҳрим» мавзусида суҳбат 3.«Менинг оилам» мавзусида суҳбат 4.«Мустақиллик байрами» мавзусида суҳбат 5.«Ватанимиз рамзлари» мавзусида суҳбат 6.«Ўзбек тили асосчиси А.Навоий ҳақида суҳбат» 7.«Менинг ҳуқуқларим» мавзусида суҳбат 8.«Менинг бурчларим» мавзусида суҳбат 9.«8-декабрь Конституция куни» байрами мавзусида суҳбат 10.«Бугун боласиз, эртага аскар бўласиз» мавзусида суҳбат 11.«14январь-Ватан ҳимоячилари куни» байрами эрталигини ўтказиш 12.«Бахтиёр она монументи» ҳайкалига сайр уюштириш	Ҳуқуқий таълим, атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.

			13.«Яхши бола ҳалол ва покдир»мавзусида суҳбат 14.«Наврӯз байрами» мавзусида суҳбат 15.«Буюк саркарда бобомиз Амир Темур» ҳақида суҳбат 16.«9-май - “Хотира ва қадрлаш куни» мавзусида суҳбат 17.«Шаҳидлар» хотира майдониға саёҳат 18.«Қушлар байрами» мавзусида суҳбат.	
2.	4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши учун шароит яратади;	-ўзбек халқи ва давлат тилини ҳурматлаш; -Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурматлаш; -“Тил байрами» ҳақида тушунча.	1.«Ўзбек халқ ижоди турлари» мавзусида суҳбат 2.«Тез айтишлар» даврасини ўтказиш 3.«Санамалар айтиш» даврасини ўтказиш 4.«Топишмоқлар даврасини» ўтказиш 5.«Тил байрами» эрталигини ўтказиш	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.
3.	5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун	-Давлатимизнинг номи, унинг рамзларининг маъно-мазмунини	1.«Ватанимиз байроғи» мавзусида суҳбат	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит

	билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари-байроғи, герби ва мадҳиясига эга;	англаш ва уларга нисбатан ҳурмат билан қараш зарурлиги; -Давлатимиз рамзларидан фахрланиш ва уларни ҳамиша ҳимоя қилиш; -Мадҳия матнини яратган шоирни, мусиқасини яратган бастокарнинг исми, шарифларини билиш; Давлатимиз рамзларининг тавсифи ҳақида тушунчага эга бўлиш.	2.«Ватанимиз герби» мавзусида суҳбат 3.«Ватанимиз мадҳияси» мавзусида суҳбат 4.«Ватанимиз рамзлари» мавзусида суҳбат 5. “Ўзбекистон мадҳияси” асосида олинган клипни намойиш қилиш	билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.
	6-модда.«Ўзбекистон Республикасининг пойтахти–Тошкент шаҳри»	-Болалар Ўзбекистон Республикасининг пойтахти–Тошкент шаҳри эканлигини англашлари зарур; -Тошкент шаҳри ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак: Тошкент –қадимий шаҳар, унда Мустақиллик майдони, Амур Темур хиёбони, хиёбонда А. Темурнинг ҳайкали бор. Хиёбон яқинида Темурийлар тарихий музейи бор. Бундан ташқари шаҳарда А. Навоий номли миллий боғ, бир неча меъморий ёдгорликлар бор.	1.«Она шаҳрим — Тошкентим» мавзусида суҳбат 2.«Мустақиллик майдони» мавзусида суҳбат 3.«Амур Темур хиёбони» сурати устида суҳбат 4.«А. Навоий номли миллий боғ» сурати устида суҳбат 5.«Тошкент шаҳри» мавзусида видеофильм намойиш қилиш 6.«Тошкент шаҳри» мавзусида рангли фотоальбом кўрсатиш	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.

		Болаларга Тошкент ҳақида видеофильмлар, слайдлар, рангли расмлар, фотоальбом кўрсатиш.		
	8-модда. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқоролари ташкил этади; Ўзбекистонда доимий яшовчи аҳоли фуқаро деб аталади;		1.«Мен Ўзбекистон фуқоросиман» мавзусида суҳбат 2.«Мен Ватанимни севаман» мавзусида суҳбат 3.«Менинг оилам» мавзусида суҳбат 4.«Менинг ҳуқуқларим» мавзусида суҳбат 5.«Менинг бурчларим» мавзусида суҳбат	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.
	37- модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.	-Болаларда меҳнатга ижобий муносабатни тарбиялаш; -Болаларни берилган топшириқни астойдил бажара олишларига эришиш; -Катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурини бойитиш; -Меҳнат қуролларининг номини, вазифасини билиш; -Меҳнатни чин юракдан бажарган бола меҳнатсевар	1.«Меҳнат инсонларнинг асосий фаолияти» мавзусида суҳбат 2.«Матонатли касб эгалари» мавзусида суҳбат 3.«Тикувчи меҳнати билан таништириш» мавзусида суҳбат 4.«Ўзбек халқининг миллий санъати ҳақида суҳбат » мавзусида суҳбат 5.«Дурадгор меҳнатини кузатиш» мавзусида суҳбат	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.

		ҳисобланишини, меҳнатсеварлик бебаҳо фазилат эканини англаш; -Касб-хунар сўзларининг маъносини англаш “Ким бўлсам экан?” мавзусида суратлар асосида суҳбат; -Кишилар меҳнатда кўрсатган хизматларини рағбатлантирилиши ҳақида қисқача тушунча бериш.	6. «Ким бўлсам экан?» мавзусида суҳбат 7.«Ўзбек миллий кулолчилик санъати билан таништириш» мавзусида суҳбат 8.Шифокор меҳнати ҳақида суҳбат 9.«Хўжалик меҳнат қуроллари билан таништириш. (Кетмон, белкурак, челақ, теша)» мавзусида суҳбат 10.Чорводорлар меҳнати ҳақида суҳбат 11.«Қурилишга сайр уюштириш 12.«Боғбон меҳнати билан таништириш	
	40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.	-Болаларда гигиеник талабларга риоя қилишни ҳаётий эҳтиёжга айлантириш; - “Соғлом танда соғ ақл” нақлини маъносини англариш; -Шифокор меҳнати ҳақида тушунчаларни бойитиш; -Ўз-ўзига хизмат қилиш ҳақида тушунчаларни бойитиш.	1.«Соғ танда-соғлом ақл» мавзусида суҳбат 2. Шифокор меҳнати ҳақида суҳбат 3.«Соғ танда-соғлом ақл» номли қўлланма асосида суҳбат уюштириш. 4.“Шахсий гигиена қоидалари” мавзусида суҳбат	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.
	41- модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим	-Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақида тушунча бериш. 2-сентябр – билимлар куни деб номланаши ҳақида тушунча	1.«2-сентябр- билимлар куни» мавзусидаги сурат устида суҳбат 2.«Асарни қайта ҳикоя қилиш. С.Анорбоевнинг «Ҳайр боғчажон,	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув,

	олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.	бериш. -«Мактаб» мавзуларида луғатни фаоллаштириш. Мактабда болалар илм-хунарли бўлиши, илм-хунар орқали инсон кўп нарсаларни билиб олиши ҳақида тушунча бериш. Устозларни ҳурмат қилиш, уларнинг ўғитларига кулоқ солиш ҳақида тушунча бериш.	боғчам» ҳикояси» 3. «Мактабга саёҳат» уюштириш 4.П.Мўмин «Устозлар» шеърини ёдлатиш 5. «Устоз отенгдек улуғ» мавзусида суҳбат	бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.
	47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.	-Бурч нима эканлиги; -Мактабгача ёшдаги болаларнинг бурчлари нимадан иборат эканлиги; -Яхши тарбияли бола бўлиш, ахлоқий қоидаларга риоя қилиш каби вазифаларни англаш; -Ота-онани ҳурматлаш; -Яхшилик ҳақида ҳикматли сўзлар, мақоллар мазмунини тушунтириш: мулкни асраш, эҳтиёт қилиб фойдаланишга ўргатиш; -Кўча қоидаларига риоя қилиш ҳақида; -Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳуқуқлари нимадан иборат эканлиги ҳақида.	1.«Менинг Ватаним» мавзусида суҳбат 2.«Менинг бурчларим» мавзусида суҳбат 3.«Яхши бола ҳалол ва покдир» мавзусида суҳбат 4.«Ота-онага ҳурмат» мавзусида суҳбат 5.«Бизнинг оила» мавзусида суҳбат 6.«Ака-ука, опа-сингилларга ҳурмат» мавзусида суҳбат 7.«Сув муқаддасдир» мавзусида суҳбат 8. «Яхшилик» мавзусида суҳбат 9.«Кўча қоидаларига риоя қилиш» мавзусида суҳбат 10.«Менинг ҳуқуқларим» мавзусида суҳбат	Ҳуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.

	49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.	-Ўз шаҳар, қишлоғидаги диққатга сазовор жойлар, меъморчилик ёдгорликлари билан таништириш; -Маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда зиёратгоҳларни танлаб, суҳбат ўтказиш. Шу зиёратгоҳларга боғлиқ равишда инсоннинг одоб-ахлоқида доир фазилатларни тушунтириш; -Ўзбекистон меъморий обидаларга доир расмлар кўрсатиш ва улар ҳақида тушунча бериш; -Мамлакатдаги ёдгорликлар, қадимий бинолар ҳам тарихий меърос сифатида асралиши кераклигини аёнлаштириш.	1.«Самарқанд — қадимий шаҳар» мавзусида суҳбат 2 «Бухоро шаҳри ҳақида суҳбат » 3.«Ўзбек халқининг миллий санъати ҳақида суҳбат » 4. «Хива шаҳри ҳақида суҳбат » 5.«Ўзбек миллий кулолчилик санъати билан таништириш» 6.“Шаҳримизнинг зиёратгоҳ жойлари” мавзусида суҳбат	Хукукий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.
	50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. 55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот	-Табиат ҳақида тушунчага эга бўлиш; -Табиатни асраш ва авайлаш ҳиссини уйғотиш; -Ўсимликларни парвариш қилиш: уларни суғориш, чопиш, тагини юмшатиш ва бегона ўтлардан тозалаш;	1.«Қизил китоб» муҳофаза рамзи эканини ҳақида суҳбат 2.«Сув муқаддас» мавзусида суҳбат 3.«Яшил дўстлар» мавзусида суҳбат 4.«Қушлар бизнинг дўстимиз» мавзусида суҳбат 5.«Нима қаердаўсади?» таълимий	Хукукий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш,ҳаёт хавфсизлиги, бадиий ижод.

	дунёси, ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.	-Ўсимликларни пайҳон қилиш ёмон одат эканлигини билиш -Ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳақида маълумот бериш; -Ҳайвон, қушларни асраш, авайлаш ҳар бир инсон вазифаси эканлигини билиш: уларни парвариш қилиш, оч қолдирмаслик; -Қушлар инсонлар учун фойдали эканини уқтириш ; -“Қизил китоб” муҳофаза рамзи эканини билиш; -“Қушлар байрами”, “Туллар байрами”, “Наврўз байрами” ҳақида тушунчага эга бўлиш; -Эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш чоралари: чой қайнатгич қайнаётганда ва кир ювиш машинаси ишлаётганда сувга қўл солмаслик ҳақида қисқача маълумот бериш; -Газ ва электр токини тушунган ҳолда қўллаганда оилалар учун ўта фойдали экани, уларнинг оила юмушларини енгиллаштириши, агарда улардан нотўғри фойдаланилса, катта хавф	ўйин 6.«Қишда иссиқ ўлкаларга учиб кетувчи қушлар» ҳақида суҳбат 7. «Қишлаб қолувчи қушлар» ҳақида суҳбат 8.«Дунёдаги энг ғаройиб нарса» мавзусида сувнинг хусусиятлари билан таништириш 9.«Ҳосил байрами» эрталигини ўтказиш 10.«Қушлар байрами» ҳақида суҳбат 11.«Совуқ ва иссиқ ўлкаларнинг ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳақида тарбиячининг ҳикояси » 12.«Баҳорда учиб келувчи қушлар ҳақида суҳбат» 13.«Ўсимликларни қаламчадан кўпайтириш» мавзусида амалий иш 14. «Табиатни асраймиз» мавзусида суҳбат 15.«Бола ёлғиз уйда» мавзусида суҳбат 16.«Ёнғин» мавзусида суҳбат	
--	--	--	--	--

		туғдириши, кўпдан кўп фалокатлар чиқаришини, шу сабабдан газ плитасига яқинлашмаслик ва турли муруватларини бекордан бекорга бурамасликни уқтириш; -Газ ҳидини сезишлари билан дарҳол катталарга айтиш зарурлигини билиш; - Қатъиян тақиқланган нарсалар: гугурт, газ плитасини ёқиш, печка ёқиш, электр розеткалари ва электр жиҳозлар ҳақида тушунча бериш.		
	89-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти – давлат бошлиғи эканлиги.	-Болаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти юртимизда тинчлик барқарорликнинг посбони эканлигини яхшироқ тушунтириб, мамлакат йўлбошчисига бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини чуқурлаштириш; -Болаларга фуқароларнинг меҳнатда кўрсатган хизматларини рағбатлантириш мақсадида берилган Ўзбекистон-Республикасининг орденилари,	1.Ўзбекистон—менинг Ватаним» мавзусида суҳбат 2.«Ўзбекистон Республикаси Президенти» мавзусида суҳбат 3.«Ўзбекистон Республикасининг орденилари, медаллари» мавзусида суҳбат	Хуқуқий таълим,атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадий адабиёт, нутқ ўстириш, бадий ижод.

		медаллари ва ёрлиғи Президент томонидан берилиши ҳақида тушунча бериш.		
	52– модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш; Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқоролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтишга мажбурдирлар. 126– модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуrolли кучларга эга.	-Ҳар йили 14 – январь “Ватан ҳимоячилари куни” сифатида нишонланиши ҳақида; -Ватан ҳимоячилари: аскарлар, чегарачилар пиёдалар ва танкчилар ҳақида; -Аскарларнинг ҳимоя қуrolлари: милтиқ, пистолет, автомат; -Болалар онгига Ватан ҳимоячилари ким эканлигини сингдириш, бунинг учун улар соғлом, бақувват, қўрқмас, ботир бўлиб вояга етишлари зарурлигини аңлатиш; -Ҳарбийларга нисбатан муҳаббат уйғотиш	1.«Бугун боласиз, эртага аскар бўласиз» мавзусида суҳбат 2.«14январь-Ватан ҳимоячилари куни» байрами мавзусида суҳбат 3.«Бахтиёр она монументи» ҳайкалига сайр уюштириш 4.«14январь-Ватан ҳимоячилари куни» байрами эрталигини ўтказиш. 5.«9-май Хотира ва қадрлаш куни» сурати асосида ҳикоя тузиш 6.Асарни қайта ҳикоя қилиш. М.Муродовнинг «Икки ният» ҳикояси 7.«Жалолиддин Мангуберди» ҳақида суҳбат 8.Б.Исроил. «Шундай ўлкам бор» шеърини ёдлатиш . 9.И.Арабшоҳ. «Амир Темурнинг Жайхундан шошилинич ўтиши» ҳикоясини ўқиб бериш 10.Э.Раимов «Куйга тўлсин она Ватан» шеърини ёдлатиш	Ҳуқуқий таълим, атроф-муҳит билан таништириш, ижтимоийлашув, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, бадиий ижод.

Ўрта гуруҳ

Мавзу: “Менинг маҳаллам” сайр

Мақсад: Болаларга туғилиб ўсган жойини билиш, ўз маҳалласи, кўчасига нисбатан уларни асраб авайлаш, уларга зарар етказмаслик ҳиссини тарбиялаш. Оила, кўча, маҳалла ҳақида тушунчаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш. Уйда ва кўчада тартиб интизом ва озодаликни сақлашга ўргатиш.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, ҳозир биз маҳалламизни кўчаларини айланиб сайр қилиб келамиз. Нима учун маҳалламиз деярман? Чунки ҳаммани ўз маҳалласи бўлади. Маҳалла дегани бу биз яшайдиган жой. Маҳаллада кўчалар, хонадонлар, дўконлар, мактаб, боғчалар жойлашган бўлади. Биз ҳозир маҳалламизнинг боғчамизга яқин кўчаларида сайр қиламиз.

Тарбиячи болаларни муассасага яқин кўчаларни сайр қилдиради. Сайр вақтида тарбиячи истаган хонадон олдида тўхтади ва болалар диққатини кўчанинг номи ёзилган ёрлиққа қаратади. “Болалар қаранг, бу ёрлиқда кўчанинг номи ёзилган. Ҳар бир хонадоннинг ўз рақами бор. Демак ҳар бир кўчанинг номи, ҳар бир хонадоннинг ўз рақами бўлар экан. Бу кўчанинг номи “Олмазор” экан. Хонадон рақами 6 экан. Ким ўзи яшаётган кўчасининг номини билади? (Болалар жавоблари)

Маҳалламизда кўчалар кўп. Кўриб турибсизки, кўчаларда хонадонлар жойлашган. Бу хонадонларда оилалар яшайди. Оила –бу биз отамиз, онамиз, ака-укаларимиз билан яшайдиган жой. Маҳалламиз кўчаларига қаранг, тоза, дарахтлар, гуллар экилган. Бу гулларни, дарахтларни парвариш қилишда сизга ўхшаш болалар ёрдам берадилар. Болалар биз доимо уйда ва кўчада тартиб интизом ва озодаликни сақлашимиз керак. Кўчаларга қаранг, озода кўчалар қандай чиройли кўринади! Кўчамизни мана шундай чиройли туришини доимо сақлашимиз керак. Бу мактаб. Мактабда ўқувчилар ўқийдилар. Мактабнинг атрофида дарахтлар экилган. Бу дарахтларни парвариш қилишда ўқувчилар ёрдам берадилар.

Маҳалламиз кўчаларидан машиналар юради. (Кўчадан ўтаётган машиналар кузатиш). Кўчаларда юришни ўз қондаси бор. Кўчаларга эътибор беринг. Кўчада машиналар юрадиган жойлари бор. Пиёдалар юрадиган тор йўлақлар бор. Биз доимо мана бу тор йўлақлардан юришимиз керак. Ҳеч қачан

кўчанинг ўртасида ўйнаманг. Кўчанинг ўртасида ўйнаш ҳаётингиз учун хавфли.

Бу маҳалламиздаги озиқ-овқат дўкони. Маҳалламизда бундай дўконлар кўп. Одамлар ўзлари учун зарур бўлган нарсаларни бу ердан сотиб оладилар.

Мана шу билан маҳалла бўйлаб сайримиз тугади. Биз маҳалламизни айланиб, унда жойлашган биноларини билиб олдик. Демак, маҳалламизда бизнинг боқчамиз, мактаб, дўконлар бор экан. Маҳалламиз кўчалари озода, дарахтлар, гуллар экилган экан.

Тарбиячи болаларни раҳбатлантириб, машғулотни якунлайди.

Мавзу: "Қушлар бизнинг дўстимиз"

Машғулотнинг мақсади: Болаларда табиатни асраш ва авайлаш ҳиссини уйғотиш. Болаларга қушлар инсонлар учун фойдали эканини уқтириш, қушларга ғамхўрлик қилиш, уларни асраш ҳиссини тарбиялаш.

Машғулотнинг бориши: Тарбиячи — болалар баҳор келиши билан учиб келган қушларни кузатяпмиз-а! Қандай қушларни кузатдик? Кеча эса ҳаммамиз майдонча четида ўсган дарахт шоҳида яшаётган полопонларнинг чуғур-чуғурини эшитиб турдик. Ҳозир қушларнинг жўжа очиш мавсуми бошланган. Бундай пайтда уларни асраш, ғамхўрлик қилиш ва кўриқлашни унутмаслик керак. Бундай пайтда улар ёрдамга муҳтож бўладилар. Биз қушларга қандай ёрдам беришимиз мумкин? Болалар ўз фикрини билдиради:

- қушларга ин куриб беришимиз;
- дон ва сув беришимиз;
- одобсиз болалар қушларга тош ёки бирорта нарса отишса, ҳимоя қилишимиз, уларни одобга чақиришимиз керак.

Мен ҳозир сизга боғ қоровулининг қушларга қандай ёрдам бергани ҳақида ҳикоя ўқиб бераман. Дикқат билан эшитинг.

Ў.Умарбековнинг "Меҳр" ҳикояси

Ҳар куни саҳарда, ҳали куёш чиқмасдан сайр қилиш одатим бор. Кўчага чиқаман, анҳор лабида айланаман, кейин бокқа ўтаман. Бир куни боғда айланиб юрган эдим, катта саданинг тагида боғ қоровулини кўриб қолдим. У супургисига иягини тираб, хомуш турарди. Яқинроқ бордим. Алланарса жон ҳолатда чирқилларди. Чолнинг қулоғи шунда. Овоз гоҳ тинади, гоҳ кишини сескантириб чирқиллайди. Анча қулоқ солиб турдим. Чол ҳам жойидан кимирамасди.

Кўзлари ўйчан. Бир маҳал супургисини ташлади-ю, саданинг орқасидаги экиннинг ичини чўккалаб олиб тита бошлади. Қанча вақт титкилади, билмадим, ўрнидан турганда, қўлида ҳали шундоқ жиш қуш боласи бор эди. Жонивор кичкина тумшукчасини катта-катта очиб чирқилларди. Чол алланарсалар деб қушчани эркалаган бўлди, тили билан авайлаб оғзини очиб хўллади. Кейин садага қаради. Мен ҳам қардим. Саданинг одам бўйи келадиган бўтоғида қандайдир қушнинг ини бор эди. Чол шунга тикилиб қолди. Қушча ҳамон чирқилларди. Чол бир оз ўйланиб тургач, қўлини чўзиб уни инига қўйди, қушчанинг овози тинди. Чол жилмайдида, супургини елкасига ташлаб, боғнинг ичкарасига кириб кетди. Мен унинг орқасидан қараб қолдим.

Тарбиячи:

1. Ҳикоя мазмунига тушундингизми?
2. Боғ қоровули дарахт тагида нима қилиб турган эди?
3. Нима чирқилларди?
4. Чол нима қилди?
5. Чол нима топиб олди?
6. Қушчани қаерга қўйди?

Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштиради: кўрдингизми болалар, боғ қоровули қуш боласининг ҳаётини сақлаб қолди. Сиз нима деб ўйлайсиз, боғ қоровули тўғри иш қилдими? Бундан буён биз ҳам қушларга ёрдам берамиз, уларга озор бермаймиз. Айниқса улар болалаганда уларнинг инини бузмаймиз, инларига тош отмаймиз. Қушлар бизнинг дўстимиз. Уларни асраб авайлаш, уларга ғамхўрлик қилиш бизнинг вазифамиз. Келинлар, ҳозир "Мушук ва чумчуқлар" ўйинини ўйнаймиз. Ўйинда болалар рағбатлантирилади.

Машғулот натижасида болаларда раҳмдиллик, ғамхўрлик, меҳрибонлик каби ҳиссиётлар вужудга келади.

Катта гуруҳ

(5-6ёш)

Мавзу: «Ўзбекистон давлати» суҳбат

Машғулот мақсади: Ўзбекистон давлати ҳақидаги болалар билимларини ҳуқуқий жиҳатдан кенгайтиришга ҳаракат қилиш. Она-Ватанга нисбатан муҳаббат уйғотиш. Конституция ҳақидаги тушунча бериш. Фуқаро сўзининг маъносини тушунтириб бериш.

Туғилганлик ҳақида ҳужжат фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат эканлиги ҳақида тушунча бериш. Болалар ҳам Ўзбекистон фуқароси эканлиги,

уларнинг ҳам ҳаётда бурчлари борлиги ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Тасвирий фаолиятда ҳар бир Республиканинг миллий кийимларидаги нақш элементларига эътибор бериб турли хил жилолар билан безаш. Бажарган ишларидан қувониш туйғусини ўстириш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, Ўзбекистон бизнинг давлатимиз. Давлатимиз қандай давлат? (мустақил). Қандай давлатни мустақил деб айтамыз? (байроқ, герб, мадҳия, ўз тили, чегараси бор бўлган давлатни). Болалар ана шулар билан бирга ҳар бир давлатнинг ўз Қонунлари бўлади. Ўзбекистон қонунлари ҳақидаги китоби «Конституция» деб аталади. Бу китобда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари ёзилган. Фуқаролар кимлар? Улар Ўзбекистонда доимий яшовчи одамлар. Демак, сиз, биз, ота-онангаз — Ўзбекистон фуқаросимиз.

Фуқаролар Конституцияни муқаддас китоб деб билиб, ҳар бир фуқаро қонунни билиши, ҳурмат қилиши, унинг доирасида иш тутиши керак. Болалар, сиз ҳам Ўзбекистон фуқаросисиз. Сиз туғилганингизда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилган. Бу фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат. Уйингизда ота-онангиздан илтимос қилсангиз, улар сизга гувоҳномангизни кўрсатишади. Сиз ҳам Ўзбекистон фуқароси сифатида Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларингизни билишингаз керак. Ҳуқуқ нима, бурч нима, биз бу ҳақида кейинги суҳбатимизда гаплашамиз.

Тарбиячи болаларнинг олган тушунчаларига яқун ясайди.

Болалар, ҳозир биз «Меҳмон қайси вилоятдан» ўйинини ўйнаймиз. Тарбиячи тўрт хил кийинган кўғирчоқни кўрсатади. Болалар кўғирчоқларга яқинлашиб кийимларини диққат билан кузатиб чиқадилар. Болалар кўғирчоқ меҳмонларни қўлларига олиб қайси вилоятдан эканини ва кийган кийимларини тасвирлаб бера олишлари керак. Айтиб бера олмаган бола миллий рақс, ашула айтиб беради.

«Миллий кийимдаги бола» мавзусида расм чизишга болалар таклиф этилади. Болалар кўғирчоқларга қараб ёки тасаввурлари бўйича расм чизишлари мумкин.

Машғулот якунида болалар Қонун, Конституция, фуқаролик, инсон, одам, ҳуқуқ, бурч тўғрисида билимларга эга бўладилар. Уларда ўзбекистон фуқароси бўлиш фахр эканлиги тўғрисида кўникма ҳосил бўлади.

Мавзу: «Ўзбекистон тимсоллари» суҳбат

Мақсад: Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: байроқ, герб, мадҳия билан таништириш. Болаларга тимсолдаги ифодалар маъносини тушунишга ёрдам бериш ва уларга нисбатан ҳурмат билан қараш, давлатимиз рамзларидан фахрланиш ва уларни ҳамиша ҳимоя қилиш, мадҳия матнини яратган шоирни, муסיқасини яратган бастокарнинг исми, шарифларини айтиш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, бугун мен сизга Ўзбекистон тимсоллари ҳақида сўзлаб бераман. Ўзбекистон бизнинг юртимиз. Юртимизнинг ўз байроғи, герби, мадҳияси бор. Мана юртимизнинг байроғи. Байроқ муқаддас ҳисобланади, уни доим эъзозлаб асрайлик, байроқни беҳурмат қилмайлик. Байроқ одатда газмол нарсадан иборат бўлиб, бўйи энидан узунроқ ва энини бир тарафи бир дастага бириктирилади. Байроқлар бир-биридан ранги, нақшидан фарқ қилади. Мен сизга юртимиз байроғи ҳақида сўзлаб бераман.

1. Мовий ранг — юртимиз осмонининг бир парчаси. Оламда доимо тинчлик бўлсин деганидир.
2. Оқ ранг - тинчлик, поклик дегани. Элга оқ йўл.
3. Қизил чизиқлар — томирларда оқаётган қон, ҳаммани Ватаннинг байроғи остида яшашга, меҳнат қилишга, қурашишга чақиради.
4. Яшил ранг — табиатнинг янгиланиш рамзидир, ёшариш, яшнатиш, эртанги кунга ишонч дегани.
5. Навқирон ярим ой — айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиздир. Янги чиққан оймомо ниятлари: одамларга яхшилик тилайди. Тинч тунларни тинч кунларга улайди. 12 юлдуз маданиятимиз қадимийлигини, халқимизнинг тупроғида саодатига интилиши рамзидир. Юртимиз байроғи ҳақида қуйидаги шеърни М.Асқархўжаева ёзганлар. Диққат билан эшитинг.

Байроқча

Байроқчага қаранг — яшил, оқ ва ҳаво ранг

Мустақилликни ёқлаб турибди у ҳилпираб.

Юлдузлар ва янги ой Байроққа бериб чирой

Осмон узра ялтирар узоқлардан кўринар.

Мана бу Ўзбекистон герби. Гербнинг юқори қисмида Республика жипслиганинг рамзи сифатида 8 қиррали юлдуз ичида жойлашган, ярим ой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олийжаноблик ва фидоийлик рамзи бўлган Хумо қуши тасвирланган. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизга тинчлик, яхшилик, бахт саодат тилайди. Фаровонлик йўлидаги орзу умидларини ифодалайди. Гербда ифодаланган гуллаган водий, қуёш, бугдой бошоқлари, очилган пахта чаноқлари юртимизнинг бойликлари рамзидир.

Бошоқлар нон-насиба, қут-барақа рамзидир.

Пахта — Ватанимиз миллий бойлиги

Қуёш — қуёшли юрт дегани

Тамға

И.Йўлдошева шеъри

Тамғамизга бир қаранг, товланади ранг-баранг

Унга беради чирой, тепасидаги ҳилол ой

Бир томони пахтазор, қуёш нурин сочади.

Амударё, Сирдарё, чанқоғингаз босади

Ўртасида Хумо қуш, бизга омад тилайди.

Ўзбекистон номини жаҳон учра тарайди.

Болалар, гербимиздаги Хумо қуши ҳақида афсона эшитганман, эшитинг, ҳикоя қилиб беринг.

Қадим замонда бир юрт бўлган ва унинг зўравон подшоҳи бўлган экан. Бошқа юртларни босиб олиб, бойлигини талабди, одамларини зиндон банд этибди, олимларни гумдон қилибди. Охири ўзининг ҳам паймонаси тўлибди. Ўшанда одамлар энди кимни подшо қиламиз деб туришганда. Юрт осмонида Хумо қуши пайдо бўлибди. Донолар кенгашиб: «Шу қуш кимнинг бошига қўнса, ўша подшо бўлади». Одамлару, одамлар эшитмадим деменглар, эмитганлар туринглар, майдон сари юринглар осмонда бахт қуши кимнинг бошига қўнса, ўша подшо бўлади. Буни эшитганлар шошиб қолишибди. Қанчадан-қанча пуддору амалдорлар ўзларини тахт учун шайлабди. Бахт

кушини пойлабди. Аммо энг камбағал, энг сахий ва адолатли, тўғри сўз ва доно кишининг бошига қўнибди, мамлакатда адолат ҳукмрон бўлибди.

Афсона сизга ёқдими? Тарбиячи афсона бўйича савол-жавоб ўтказди, сўнгра болаларни ушбу мавзу бўйича расм чизишга таклиф этади. Болалар байроқ расмини ёки гербдаги ифодалардан бирини чизишлари мумкин. Масалан бошоқ, қуёш оймомо ва юлдуз.

Болаларнинг ишларини таҳлил қилиб машғулотларни якунлаш мумкин.

Мактабга тайёрлов гуруҳ

(6-7ёш)

Мавзу: «8-декабрь Конституция куни» мавзусида суҳбат

Машғулот мақсади: Она юртга, Қомусга муҳаббат уйғотиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя эта олишга ўргатиш.

Конституция моддалари ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Машғулотнинг бориши: Суҳбат Ўзбекистон мадҳиясини ижро этиш билан бошланади.

Тарбиячи: Болалар, Мустақил давлатимиз ўз Конституциясини қабул қилган 8-декабрь куни биз учун муқаддас тарихий кун бўлиб қолади. Конституция давлатимиз мустақиллигининг рамзи ва ифодаси, халқ хурлиги ва озодлик тимсолидир. Конституцияда инсоннинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва бурчлари муқаддас саналиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Азиз болалар, энди Конституциямиздаги айрим моддаларни эслаб ўтайлик.

1-бола: 1-модда. Ўзбекистон Мустақил Республика.

2-бола: 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили — Ўзбек тилидир.

3-бола: 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳиясига эга.

4-бола: Оила кодексининг 65-моддаси: Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга.

5-бола: 69-модда. Бола исми, ота исми, фамилия олиш ҳуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан қўйилади.

6-бола: 68-модда. Бола ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқига эга. Оилада бола манфаатига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинганда бола ўз фикрини айтишга ҳақли.

7-бола: 41-модда: Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Сиз бу йил мактабга ўқишга борасиз. Республикамизда билим олишда тенг ҳуқуқ кафолатланади. Болажонлар, ўқишларингизда ютуқар тилайман. Азиз болалар, биз ўз Конституциямизга, мадҳиямизга, байроғимизга, гербимизга, миллий валютамизга, миллий урф-одатларимизга эгамиз, Мустақил Ўзбекистон фарзандимиз! Шундай экан, ўлкамизга мос фарзандлар бўлайлик. Ҳозир эса Ватан ҳақидаги шеър, қўшиқларимизни куйлаймиз.

Машғулот болаларда Конституция кунини катта байрам кайфиятда кутиб олиш кераклиги, Конституцияни ҳурмат қилиш, уни билиш керак эканлиги тўғрисида кўникма ҳосил қилади.

Мавзу: Менинг ҳуқуқ ва бурчларим мавзусида суҳбат

Машғулот мақсади: Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари нимадан иборат эканлиги, яхши тарбияли бола бўлиш, ахлоқий қоидаларга риоя қилиш, ота-онани ҳурматлаш каби вазифаларни англашларига кўмаклашиш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, сизнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси китоби ҳақида тушунчангиз бор. Демак, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, ўз қонунлари бўлади. Конституция биз учун азиз ва қадрли! Негаки унда инсонларга ғамхўрлик қилиш ҳақида ёзилган, тўғрими? Бугун эса Конституция ҳақида тўлиқроқ гапириб беришга ҳаракат қиламан. Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатилган. Фуқаролар кимлар? Фуқаро шу юртнинг доимий аҳолиси, яъни сиз ва биз. Бурч нима? Бурч бажарилиши шарт бўлган вазифа. Демак, Конституцияда болаларнинг, катталарнинг бажарилиши шарт бўлган вазифалари кўрсатилган.

Масалан, боғча болалари олдида ҳам яхши тарбияли бола бўлиш, ахлоқий қоидаларга риоя қилиш каби вазифалар турибди.

Бу вазифаларни бажариш ҳар боланинг бурчидир.

Яхши тарбияли болалар қандай бўладилар?

1. Улар ота-оналарини ҳурмат қиладилар.
2. Айтган насиҳатларига қулоқ соладилар. Катталар бажараётган ишларига кўмаклашадилар.
3. Ўз уйларини, гуруҳларини озода тутадилар.
4. Ватанини севадилар.

Тарбиячи: Мана сиз тарбияли болалар вазифалари, бурчлари ҳақида тушунчага эга бўлдингиз. Ахлоқий қоидаларга риоя қилиш ҳам бизнинг бурчимиз. Ахлоқ нима? Болаларнинг, катталарнинг, яхши-ёмон сифатлари, одатлари. Ахлоқсизликдан, тартиб-бузарликдан келиб чиқади.

Масалан, болалар орасида ўртоқларини менсимайдиганлар, сочларидан тортиб қизларга озор берадиган, зинадан тушаётганда итариб юборадиган, ўртоқларини ҳақорат қиладиган, табиатга зарар етказиб, дарахт синдирадиган, қушларга озор етказадиган, давлат мулкига зарар етказадиган, ўйинчоқларни синдирадиган болалар учрайди. Агар ахлоқий қоидаларга риоя қилинса, болалар ўз бурчларини бажарган бўладилар. Ҳуқуқ ўзи нима? Ҳуқуқ бу қонун билан ҳимояланадиган, ўз ҳаёти, эҳтиёжи, конституцион ҳуқуқига кўра ҳар бир фуқарога берилган имтиёзлардир. Сиз болажонларнинг ҳуқуқингиз нимадан иборат?

1. Сиз туғилишингиз билан исм, фамилия олиш ҳуқуқига эгасиз.
2. Сиз оилада тарбияланиш, ўз ота-онангизни билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эгасиз.
3. Сиз боғчага қатнашиш, дам олиш кунлари ота-онангиз билан истаган жойда дам олишингиз мумкин.
4. Боғчада таълим-тарбия олиш ҳуқуқига эгасиз.

Мана, болалар сиз ўз ҳуқуқ ва бурчларингиз ҳақида қисқача бўлса ҳам билиб олдингиз.

Конституцияда белгиланган бурчларни бажариш зарур, гуруҳларимизни озода саклаш керак, бу бизнинг бурчимиз. Келинглари, ҳозир биз ҳаммамиз биргаликда гуруҳларимизни тозалаймиз, бу билан биз ўз бурчимизни бажарган бўламиз

Ўйин табиат бурчакларида меҳнат қилиш билан машғулот якунланади.

